

Апелляция инстанциясида  
маърузачи судья С.Давлетмуратов

Биринчи инстанция судининг  
судьяси О.Мауленов

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов  
хайъати апелляция инстанциясининг  
АЖРИМИ №1-2316-2301/28

2023 йил 21 июнь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати қуйидаги таркибда,  
раислик қилувчи – Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьяси С.Давлетмуратов,  
хайъат аъзолари – судьялар А.Аметов ва Д.Разов,  
судья катта ёрдамчиси Д.Давлетмуратованинг котибалигида,  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори Т.Бекмуратов,  
судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячилари адвокатлар Ф.Раззаков, А.Абдуллаев, Е.Медетова, ҳимоячиси [REDACTED] иштирокида,  
судланувчи [REDACTED] оид жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг 2023 йил 18 апрелдаги ҳукми устидан Эллиққалъа туман прокурори протести, судланувчи [REDACTED] ҳимоячилари адвокатлар Ф.Раззаков, А.Абдуллаев, Е.Медетовалар томонидан келтирилган шикоят аризаларига асосан очиқ суд мажлисида, апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукми билан:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 3-қисми “а” банди билан 7 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин, жазони ўташ муддати 2023 йил 02январь кунидан бошлаб ҳисоблансин, эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қамоқда қолдирилган.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ДХХ бошқармасининг хўжалик бўлимига топширилган 8,24 грамм героин гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда йўқ қилиниши белгиланган.

Ишга илова қилинган 5 (беш) дона дисклар иш билан бирга сақланиши белгиланган.

ЖК нинг 96-моддасига асос [REDACTED] тиббий йусиндаги чоралари қўлланилган.

Суд ҳукмига кўра, [REDACTED] бошқарувидаги фуқаро Искандарова Райҳон Икрамжан қизига тегишли давлат рақам белгиси 95 N 526 МА бўлган “COBALT” русумли транспорт воситаси, 2023 йил 01 январь куни соат 18:00ларда Элликқалъа тумани ИИБ ходимлари томонидан холислар иштирокида кўздан кечирилганида, мазкур автомашина олд капот қисми остидаги автомашина двигителининг “сақлагич” жиҳозининг ичида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, ўтказиш ва бошқа ҳаракатлар қилиш тақиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрь кунги 330-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунги 878-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни ноқонуний айланиши ҳақидаги рўйхатига кўра, тақиқланган гиёҳванд воситалари рўйхатига киритилган 11 (ўн бир) бўлак жами вазни 8,57 (саккиз бутун юзда эллик етти) грамм кўпроқ миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат ИИБ ходимлари томонидан тегишли тартибда хужжатлаштирилиб олиниб, [REDACTED] ўзининг мазкур гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмасдан қолган.

Мазкур ҳолат юзасидан тайинланган судга оид-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 01 январь кунги 01-сонли хулосасида [REDACTED] миниб юрган давлат рақам белгиси 95 N 526 МА бўлган “COBALT” русумли транспорт воситасидан олинган жами 11 (ўн бир) бўлак моддалар таркибида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши тақиқланган умумий соф оғирлиги 8,57 (саккиз бутун юздан эллик етти) грамм героин гиёҳвандлик моддалари борлиги аниқланган.

Элликқалъа туман прокурори протестида, ЖИБ Элликқалъа туман судининг 18.04.2023 йилдаги [REDACTED] нисбатан ҳукмини бекор қилиб янги айблов ҳукм чиқаришни сўраган.

Судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси адвокат Ф.Раззаков апелляция тартибидаги шикоятда [REDACTED] ҳаракатларини ЖК 25,273-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни ва унинг чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандларининг борлигини, яшаш жойдан ижобий тавсифланишини инobatга олиб, озодликдан чеклаш жазосини тайинлашни, суд залидан дарҳол қамоқдан озод қилишни, ашёвий далиллар масаласини қонунда белгиланган тартибда ҳал қилишни сўраган.

Судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси адвокат А.Абдуллаев апелляция тартибидаги шикоятда [REDACTED] ҳаракатларини ЖК 25,273-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни сўраган.

Судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси адвокат Е.Медетова апелляция тартибидаги шикоятда [REDACTED] ҳаракатларини ЖК 25,273-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати судьянинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукми бекор қилиб, янги айблов ҳукмини чиқаришни, ҳимоячи адвокатларнинг суд ҳукмини бекор қилиш ҳақидаги фикрларини, судланувчининг кўрсатувини, ҳимоя ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, шикоятлар важларини муҳокама қилиб, [REDACTED] ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, далилларга тўғри баҳо бериб, иш бўйича ҳақиқат аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] оид қисми суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, унинг суддаги айбига қисман иқрорлик берган кўрсатувларидан ташқари;

шунингдек, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар, яъни: 2023 йил 01 январь кунги транспорт воситасини кўздан кечириш баённомаси ва фото расмлари (ж/и 6-22в), 2023 йил 01 январь кунги тинтув баённомаси (ж/и 23-25в), 2023 йил 01 январь кунги ашёвий далилни ўлчаш баённомаси (ж/и 29в), 2023 йил 01 январь кунги [REDACTED] ашёвий далил тариқасида олинган 11 бўлакка бўлинган гиёҳвандлик воситасининг героин моддаси эканлиги аниқланган 1-сонли экспертиза хулосаси (ж/и 50-57в), 2023 йил 11 январь кунги [REDACTED] мажбурий тартибда даволанишга мухтожлиги ҳақидаги 4-сонли экспертиза хулосаси (ж/и 175в) ҳамда бошқада далиллар мажмуи билан етарли даражада исботланган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати, Эллиққалъа туман прокурори протестидаги ва судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячилари

адвокатлари апелляция тартибидаги шикоятларидаги важлари билан келишмади;

сабаби, иш хужжатларига қараганда [REDACTED] ушбу героин гиёҳвандлик воситасини кимгадир сотгани ёки сотишга бўлган ҳаракатлари аниқ тасдиқланмаган бўлсада, унинг ушбу гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлигининг ўзи ушбу гиёҳвандлик моддаларини [REDACTED] келгусида утказиш нияти борлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 25-бандида айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273 моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, ЖКнинг 55-моддаси ва 56-моддасида назарда тутилган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини, яъни судланувчининг шахсини, қарамоғида 5 нафар фарзанди борлиги, жазосининг енгиллаштирувчи ҳолатлари деб, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлиги жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди ва судланувчига айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилаб судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] муносиб жазо қўлланилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 497<sup>13</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>, 497<sup>34</sup>, 497<sup>36</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м    қ и л д и:

Жиноят ишлари буйича Эллиқалъа туман судининг 2023 йил 18 апрелдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Прокурор протести қаноатлантирилмасин.

Судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячилари адвокатлари томонидан берилган шикоятлари қаноатлантирилмасин.

Раислик қилувчи

С.Давлетмуратов

Ҳайъат судьялари

А.Аметов

Д.Разов

*Нусхаси аслига тўғри:*

*С.Давлетмуратов*